



БОШ ВАЗИРНИНГ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ: муаммоларга тезда ечим топилмоқда

Амир Темур куч-қудрат адолат, ҳам-жихатлик ва ҳамкорликда мужассам эканини англаб-англабтиб яшаган. Сохибқироннинг давлат муҳрида бил-тириш «Куч — адолатда» хикмати ҳақиқатпарварлик ва ростлик инсон кучи-га куч қўйиши, ўз навбатида, кучли шахс ҳамиша ҳаққў бўлишини англа-тади. Ислон Каримов ишлаб чиққан та-ракқиётнинг «ўзбек модели» — маш-хур беш тамойилнинг бири ҳам айнан қонун устуворлиги эди. Биринчи Президенти-миз бутун фаолияти давомида эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш, жамиятимизда қонун устувор-лигини, тартиб-интизомни, адолат ва ҳақиқатни қарор топтириш йўлида ку-рашди.

Шу маънода яқинда Ўзбекистон ҳукумати порталида очилган Бош ва-зирнинг виртуал қабулхонасини (rpm.gov.uz) ўзбек давлатчилик макта-бига мансуб адолатпарварлик, ҳақиқат-ни таъминлаш борасидаги аъёнларнинг мантқиқий давоми бўлди, дейиш мумкин. Бугун минглаб юрдошларимиз ҳал этилмаган масалалар, муам-молар, ариза, шикоят ёки тақлифлар билан тўғридан-тўғри мамлакатимиз Бош вазирга мурожаат қилмоқда.

Бунда мурожаатни уч усулда — 210-00-00 ёки 10-00 қисқа рақамларига қўнғироқ қилиб (қўнғироқ мамлакатимиз бўйича бепул бўлиб, ундан фақат стационар телефонга қўнғироқ қилиш нархи бўйича ҳақ олинади), rpm.gov.uz манзилидаги махсус мурожаат шакли-ни тўлдириб ёки Таъбиркорлар ва иш-билармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг ҳудудий ташкилотларига бориб юб-риш мумкин. Сайт (rpm.gov.uz) орқали онлайн мурожаат юбориш шакли ҳамма учун тушунарли ва содда тузилган. Сайтда мурожаат маконини (жавоб бе-рилган-берилмаганини) текшириш мумкин. Энг муҳими, онлайн мурожа-атларда электрон рақамли имзо талаб қилинмайди.

Маълумотларга кўра, Бош вазир-нинг виртуал қабулхонасига дастлаб-ки кўнғиб мамлакатимизнинг турли жойларидан мингга яқин ариза, ши-коят ва тақлифлар тушган бўлса, бу-гун мурожаатлар сони 20 мингдан ошиб кетди. Қувонарлиси, ҳозирга қадар излаб муаммолар тезда ўз ечи-мини топти.

Шу йил март ойида урганчилик Зул-фия Бекбергеновнинг 25 ёшли ўғли Хуррам Қурбоновнинг бош миёсида қон қуйилиш ҳолати аниқланган. Шифокор-лар уни хорижда даволатишни тавсия қилган. Муолажа учун 8 минг доллар зарур эди. 3.Бекбергенова ўтган вақт мобайнида миллий валютани хорижий валютага конвертация қилиш бўйича Хоразм вилоятидаги қатор банкларга мурожаат қилган. Бироқ иши ҳал бўлмаган. Зулфия опа сўнгги умид си-фатида шу йил 26 сентябрда Бош ва-зирнинг виртуал қабулхонасига ариза жўнатган.

— Порталга мурожаат қилганим-дан кейин ойлар давомида мени ўйла-ган муаммо икки кунда ҳал бўлди, — дейди 3.Бекбергенова. — Ўғлимни хо-рижда даволатиш учун халқаро тўлов картасига етарли хориж валютасини олганимда, қунондан йилгаб юбордим. «Мана, биздай оддий фуқароларнинг ҳам даражаси тинглайдиган, муаммо-ларини ҳал қилиб берадиган инсон бор экан-ку», дедим. Бу портал Ўзбеки-стонда демократиянинг дастлабки қарор топишида жуда катта ва муҳим қадам-дир.

Яна бир мисол — Хоразм вилояти Хива туманида истикомат қилувчи Рохат Абдуллаева уйи бўзилган, 2014 йили янги кўчга кўчиб ўтди. Бу-зилган уй шартномада 139 миллион сўмга баҳоланган. Бироқ бу маблаг-дан 38 миллион сўмини ҳокимлик тўлаб бермади.

— Шу йил 26 сентябрь кuni Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига му-рожаат қилдим, 28 сентябрда бузил-ган уйимдан қолган 38 миллион сўмини банкдаги омонат дафтарамага ўтказиб беришди, — дейди Р.Абдуллаева. — Маҳалламиздаги янги кўчтежага кўчиб ўтган 47 қўшимда ҳам шу муаммо бор эди. Вилоят ва туман ҳокимлиги вакиллари уларга ҳам қарз-дорлиқни тўлаб бермоқда. Маҳалла-мизда байрам бўлиб кетди. Неча йил-лик муаммоларимизни икки кунда ҳал қилиб бергани учун Бош вазиримиз-дан миннатдоримиз.

Ҳа, бугунги фуқаролар бундан ўн беш-ийгирма йил аввалги одамлар эмас. Мазкур виртуал қабулхонага му-рожаатлар халқимизнинг давлат ҳоки-

миятига ва қонун устуворлигига ишон-чи ошиб бораётганидан далолат. Бу жамиятимизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари самара-ли татбиқ этилаётгани, халқимизнинг улардан фойдаланиш маданияти юк-салиб бораётганининг исботидир.

— Маҳалламизда электр энергия-сини қунига ўртача 12 соат ўчиришар эди, бу муаммога ечим излаб, бир неча марта туман ҳокимлиги ва электр тар-моқлари ташкилотига мурожаат қил-дик, бироқ фойдаси бўлмади, — дей-ди Хоразм вилояти Гулран тумани Сах-тиён қишлоғида яшовчи Жўрабек Бобоқонов. — Шу йил 25 сентябрда Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига электрон мурожаат юбордик, 29 сен-тябрда мутасаддилар қишлоғимизга келиб, вазиятни ўрганди ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш йўлга қўйилди. Биринчи Президенти-миз Ислон Каримов доим «Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидаш олмайди», деб қўл таъкидлар эди. Маҳалламизда шу муаммонинг тез кунда бартараф бўл-гани мисолида биз Бош вазиримиз Биринчи Президенти-мизнинг гоёларига на-қадар содиқ эканига амин бўлдик.

Элликқалъалик Илҳомбек Йўлдошев Тошкент тиббиёт академиясининг трав-матология ва ортопедия йўналиши бўйича магистратурасида 2-курс тала-баси. У бу йил шартномага пул топа олмаган. Шу боис Элликқалъа тумани-даги барча банк филиалларига таълим кредити ажратишни сўраб, мурожаат қилган. Айтишича, бунинг учун зарур барча ҳужжатни тахлаб олиб борса-да, бирорта банк ходими уларни лоа-қал варақлаб ҳам кўрмаган.

— Бир кунни ҳатто соат 7 дан 19 гача банкдан банкка қатнаиб сарсон қилишди: бирига борсам, бошқасига жўнатишди, ахир, саргардонликдан ҳаммасига қўл силтаб, Тошкентга қайт-дим. — дейди И.Йўлдошев. — Энди ўқишни давом эттиришга кўзим етмас-ди. Шунда Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига жонимга оро кирди: му-рожаатим учун кунда ҳал бўлди. Ўзбеки-стон Президенти вазифасини бажарув-чи, Бош вазиримиз Шавкат Мирзиёев 5 октябрда Самарқанд вилояти фаол-лари билан бўлган учрашувда виртуал қабулхонага келаётган ҳар бир му-рожаат Бош вазирнинг назоратида бўли-шини таъкидлади. Чиндан ҳам шундай: агар менинг арзим Бош вазиримизга етиб бормаганда, биламдими, яна қанча вақт сарсон юрамдими ёки ўқишни таш-лаб кетардим...

Яшириб нима қилдик: кўйи бўгин-лардаги эскича фикрлайдиган айрим раҳбар ҳодимларга арз қилиб икки-уч марта қатнаган одамга «ёзувчи», «аризабоз» тарзида қарайдиганлар ҳам бор. Албатта, ҳар қандай жамиятда бўлди-бўлмади ишга дарров шикоят ёзадиганлар топилади. Бироқ санокли бундай кимсалар касрига қолган шахс-ларнинг ҳам шикоятларини эътибор-сиз қолдириш — жамиятда муаммо-ларнинг илдиэ отиб кетишига сабаб бўлиши аниқ-ку! Қолаверса, кучли фу-қаролик жамияти барпо этишининг шартларидан бири — фуқаролар ўз ҳа-қуқларини мукаммал билиши, зарур ҳолда уларни талаб қила олиш лаёқ-атига эга бўлиши лозим.

Бош вазирнинг виртуал қабулхона-си халқимиз ҳуқуқий маданиятининг юксалиб бориш жараёнида самарали восита, ойдин кўзгу бўлмоқда.

Сирдарё вилояти Ховос тумани Гул-бахор шаҳарчасида яшовчи Муслим-бек Холиқбердиев бу йил Гулистон давлат университетининг ижтимоий-иқтисодий факультетига тўлов-контракт асосида ўқишга кирди. Бироқ ота-она-си шартнома пулини тўлаш имконини топа олмади. Шу боис унинг онаси Шоира Абдуғафорова жорий йил 7 сентябрда «Агробанк»нинг Ховос тум-ани филиалига таълим кредити сўраб, мурожаат қилди. Вазирлар Маҳма-сининг 2001 йил 26 июлдаги «Олий ўқув юрларида тўлов-контракт асоси-да ўқиш учун таълим кредитлари бе-риш тўғрисида»ги қарорига кўра, ти-жорат банклари қарз олувчининг ҳуж-жатларини 10 иш кунда қўриб чиқиб, ёзма ҳулоса бериши шарт. Бироқ Ш.Абдуғафорова йигирма кунда ҳам аниқ жавоб ололмади, сарсон-саргар-дон бўлади. Вазият шу даражага ета-дики, 30 сентябргача шартнома пули тўланмаса, Муслимбек талабаликдан маҳрум бўлиши аниқ эди.

— Шартнома пулини тўлаш мудда-тига уч кун қолган, нима қилишни бил-масдик, банк ходимларини судга бе-райлик, десак, суд бу ишни қўриб чи-

қишига бир ой керак — жуда бошимиз қотганди, — дейди Ш.Абдуғафорова. — 27 сентябрь кuni Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси ҳақида эшитди-му, дарҳол мурожаат қилдим. Қаранг, эртаси кuni «Агробанк» ўғлимга таъ-лим кредити ажратди. Ишим ҳал бўлди, лекин бир савол мени қийнади: нега энди шунча кичкина масала ҳам, ал-батта, Бош вазиримизга етиб борган-дан кейин ҳал бўлиши керак? Қуйи бўгинлардаги раҳбар ҳодимларга ўз вазифасини қонун доирасида, вақти-да, сифатли бажаришга нима халал бе-ради?!

Дарҳақиқат, агар фуқаронинг муам-моси қуйи бўгинда ҳал бўлса, у юқори ташкилотларга мурожаат қилмайди. Чунки бугунги замон шиддатда ҳар дақиқа — ганимат, катта бойлик. Шун-дай экан, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасидан ўрнак олиб, маҳаллий давлат ҳокимияти раҳбарлари фуқаро-лар мурожаатларини шахсан ўз назо-ратига олиши, уларнинг муаммолари-ни ҳал қилишда самарали тизимни йўлга қўйиш вақти аллақачон етиб кел-ган. Ахир кимдир умид билан ҳоким-нинг олдига борса-ю, қабулга кира олмаса, қалталлаб-ойлаб ҳокимият эшигига сарғайиб, шундан сўнг қўйи бирор ишга борадими? Шундай вазия-тдан кейин унинг қалбига табиий ниш ура бошлаган жамиятдан норозилик эртага газак отиб кетмаслигига ким қаролат беради?!

Сирдарё туманида истикомат қилув-чи Мирсид Низомов Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига ўзи яшётган ҳудудда 5-6 йилдан буюн табиий газда мунтазам узилишлар бўлаётганини ай-тиб, ушбу масалани ҳал этишда ёрдам сўраб мурожаат қилган. Сирдарё ви-лояти ҳокимлигидан маълум қилишлар-ича, мурожаатни ўрганиш жараёнида газ қувурлари чиндан ҳам тармизга муҳтож эканлиги аниқланган. Тез қун-ларда қувурлар таъмирланиб, табиий газ таъминоти тўлиқ йўлга қўйилади. Савол туғилади: ушбу туман мутасад-дилари нега мазкур масалани ўз вақ-тида ўрганиб, тезда чора кўрмади? Ёки улар Бош вазирга мурожаатдан сўнгги-на бу ерда газ қувурлари чиндан таъ-мирталаб эканини билиб қолдимишди?.. Ёки ушбу туманда яшовчи яна бир фу-қаро Татьяна Кареванинг ўзи истико-мат қилаётган ҳудудда ичимлик суви муаммосини ҳал этишни сўраб қилган мурожаати ўрганилганда, бу ерда ичимлик суви таъминотини тўлиқ йўлга қўйиш учун 500 метр масофада қувур ётқизиш лозимлиги аниқланди. Айни пайтда бу борадаги лойиҳа-смета ҳуж-жатлари тайёрланиб, 2017 йилги Инвес-тиция дастури асосида қурилиш иш-лари амалга оширилиши белгиланган.

Шу йил 26 сентябрда Хоразм ви-лояти Янгиқирқ тумани Чикирчи қиш-логидан Хурмат Матқубов виртуал қабулхонага мурожаат қилиб, мазкур ҳудудда тоза ичимлик суви йўқлиги, қудуқлар суви шўр бўлгани учун аҳоли 3 километр нарига бориб, ичиш учун сув келтираётганини айтди. 2009 йили бу муаммони бартараф этиш учун иш бошланган, бироқ чала қолганди.

— Мурожаатимиздан икки кун ўтиб, қишлоғимизда қурилиш ишлари бош-ланиб кетди, — дейди Х.Матқубов. — Ҳозир 2009 йили ётқизилган, аммо чи-риб улгурган қувурларни ҳам қазиб олиб, ангилашяпти. Бутун қишлоқ аҳли неча йиллик муаммо ҳал бўлганидан ўзида йўқ хурсанд.

...Бундай мисоллар кўп. Эътибор-лиси, ҳал бўлган ҳар бир мурожаат ор-тида ўнлаб, ҳатто излаб одамлар ҳаётидаги бир ўзгариш, янгиланиш му-жассам. Бу фуқароларнинг давлат ҳокимиятига, жамиятга, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашда нияоятда муҳим омилдир. Биринчи Президенти-миз Ислон Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига жамиятда адолат ва ҳақиқатни қарор топтириш виждон поклиги ва бедорлигига бог-лиқ эканини таъкидлаган: «Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган во-қеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож ин-сонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди... Бундай ҳолатларни қўрганда виждон қийналади, доимо ёниб-қуийб яшай-ди, қандай қилиб бўлмасин, уларни бартараф этишга интилади...».

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси бар-чамизни Биринчи Президенти-мизнинг буюқ давъати — уйғоқ виждон билан яшашга-ишлашга ундаётгани билан аҳамиятлидир.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ТАҚДИМНОМА

Ўзбекистон Республикаси Конс-титудиясининг 13-моддасига муво-фиқ инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият си-фатида тан олинади.

Жазонинг асосий мақсади ҳукм қилинган шахсларнинг тузалиши ва қайта тарбияланиши, яъни ҳар бир қонунбузар содир этган қилмиши-нинг ижтимоий ҳавфилик даража-сини, жавобгарлиқнинг муқаррарли-гини ва чин қўнгилдан пушаймон бўлиш зарурлигини англаб етиши ҳисобланади.

Амнистия актининг эълон қили-ниши халқимизга хос инсонпарвар-лик, эзгулик ва раҳмдиллигининг ёрқин ифодаси сифатида маҳкум-ларда қонунга итоаткорлик ҳиссини рағбатлантиради ва қонунни четлаб ўтган шахсларга тузалиш, оиласига қайтиш ҳамда жамиятнинг муносиб аъзоси бўлиш учун яна бир имко-ният беради.

Шу нуқтаи назардан, амнистия акти улкан профилактик, ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, муайян тоифадаги шахсларни на-фақат жавобгарликдан ва жазодан озод қилишни, балки уларни даво-лаш, бандлигини таъминлаш, шу-нингдек, ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш борасида-ги бошқа қатор муҳим тадбирларни кўзда тутди.

Таъкидлаш жоизки, амнистия ак-тининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини таъминлаш борасидаги умумэти-роф этилган халқаро ҳуқуқ норма-ларига тўла мос келади.

Инсонпарварлик принципларига амал қилган ҳолда, аввалги амни-стия актиларини қўллаш ва шахсга оид иш ҳужжатларини ўрганиш натижа-лари асосида, келгусида озодлик-дан маҳрум этиш жойларида сақ-лаш зарурияти йўқолганлигини, шу-нингдек, ёши ва соғлигини инобат-га олиб, қўйидагиларни назарда ту-туви амнистия актини қабул қилиш тақлиф этилади:

1. Ҳукм қилинган: аёлларни; жи-ноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни; 60 ёшдан ош-ган эркакларни; чет давлатлар фу-қароларини;

2. Аёллар; жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар; 60 ёшдан ошган эркаклар; чет дав-латлар фуқаролари; I ва II гуруҳ но-гиронлари; сил касаллигининг фаол шаклига чалинган шахслар (Жи-ноят кодексининг 167- ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этган ва етказилган моддий зарарни қопламаган, Жиноят кодексининг 97-моддаси, 104-моддаси учинчи қисми «д» бандида назарда тутилган жиноятларни содир этган ва етказилган моддий зарарни қопламаган, Жи-ноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми «д» бандида назарда тутилган, шунингдек, ўта оғир жи-ноятларни содир этган шахслар бундан мустасно);

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўтмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган, ҳукми қонуний қўлга кир-ган маҳкумларни жазодан озод қилиш (Жиноят кодексининг 167- ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этган ва етказилган моддий зарарни қопламаган, Жиноят кодексининг 97-моддаси, 104-моддаси учинчи қисми «д» бандида назарда тутилган жиноятлар-ни содир этган шахслар бундан мус-тасно);

4. Аёллар; жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар; 60 ёшдан ошган эркаклар; чет дав-латлар фуқаролари; I ва II гуруҳ но-гиронлари; сил касаллигининг фаол шаклига чалинган шахслар (Жи-ноят кодексининг 167- ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жи-ноятларни содир этган ва етказилган моддий зарарни қопламаган, Жи-ноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми «д» бандида назарда тутилган, шунингдек, ўта оғир жи-ноятларни содир этган шахслар бун-дан мустасно) нисбатан барча жи-ноят ишларини тугатиш;

5. Амнистия актига асосан озод қилинмайдиган шахсларнинг ўтал-май қолган жазо муддатини:

қасддан содир этган жиноятлар-ри учун ўн йилдан кўп бўлмаган му-датга озодликдан маҳрум қилинган-ларга — учдан бир қисмига;

қасддан содир этган жиноятлар-ри учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига қисқартириш.

Бунда, Жиноят кодексининг 97-моддасида назарда тутилган жино-ятни содир этган шахсларнинг жазо муддатини қисқартирмаслик тақлиф қилинади;

6. Содиқ этилган жиноий қил-мишларнинг ижтимоий ҳавфилик даражаси ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда:

узоқ муддатга ёки умрбод озодлик-дан маҳрум қилишга ҳукм қилинган;

тақиқланган ташкилотлар фаоли-ятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жи-ноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган;

ўта ҳавфли рецидивист деб топилиш;

жиноий уюшма таркибида жи-ноят содир этган;

жазони ўташ тартибини мунта-зам равишда бузаётган;

муқаддам афв этиш ёки амни-стия тартибида жиноий жавобгарлик-дан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноятлар содир эт-ган;

ўлим жазоси афв этиш тартиби-да озодликдан маҳрум қилиш тари-қасидаги жазога алмаштирилган шахсларга нисбатан амнистия ак-тини татбиқ этмаслик.

Шу билан бирга, тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштиро-ки, улар таркибида тинчлик ва ҳавф-сизликка қарши ёки жамоат ҳавф-сизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озод-ликдан маҳрум қилишга ҳукм эти-либ, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларни ҳам жазодан озод қилиш тақлиф этилади.

Бундан ташқари, амнистия акти-да асосий жазодан озод этилган маҳкумларни қўшимча жазодан озод этмаслик ҳақидаги нормани назар-да тутиш мақсадга мувофиқ ҳисоб-ланади.

Амнистия актини татбиқ этиш борасида ошқоралик ва шайфос-лиқни таъминлашда парламент ва жамоатчилик назорати муҳим аҳамият касб этишини инобатга ол-ган ҳолда, мазкур жараёнда сенат-торлар, депутатлар, фуқаролик жи-мияти институтлари ва оммавий ах-борот воситаларининг бевосита иш-тирокини назарда тутиш тақлиф қилинади.

Самарали профилактик аҳамият-га эга бўлган амнистия актининг тақ-лиф этилган тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланилиши уларни тез-роқ ижтимоий реабилитация қилиш ва жамиятга мослаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конс-титудиясининг 93-моддаси 23-бан-дига асосан, Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси Сенатига Ўзе-бекистон Республикаси Конститу-циясининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғри-сидаги қарорни қабул қилиш ҳақида тақдимнома киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 10 октябрь

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 10 октябрь кuni Ўзбекистон Республика-си Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида Қозоғистон томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари яқинда олий даражада ўтган уч-рашувлар чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожланти-ришнинг долзарб масалалари юзасидан эришилган ке-лишувлар ижросининг боришини муҳокама этдилар.

Томонлар Ўзбекистон ва Қозоғистон делегациялари

турли даражадаги амалий ташрифларининг яқунлари-га, устувор йўналишларда муҳим тижорат шартнома-лари тузилганига юқори баҳо бердилар.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев қатор минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари ўзаро ман-фаатли барча соҳаларда икки томонлама алоқаларни фаоллаштириш, дўстлик ва яқин қўшнчилик муноса-батларини янада мустаҳкамлаш тўғрисида келишиб олдилар.

ЎЗА

ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИДА имкониятлардан самарали фойдаланиш талаб этилади



2

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНING МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 10 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Иўлдошев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 12 октябрь кuni Тошкент шаҳрида қабуриш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенаторлар Олий Мажлис ялпи мажлисининг кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 23-бандига мувофиқ парламентнинг юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масаланинг киритилиши муҳим эканлигини алоҳида таъкидлади.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштиришга, аҳоли фаровонлигини оширишга ҳамда ижтимоий ҳимоя қилинишни кучайтиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳолат-манд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги, «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳақида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ялпи мажлисда, шунингдек, «Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва қасаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам қўриб чиқилди.

Мажлисда Сенат Кенгаши аҳолига қирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Олий Мажлис Сенати кўмиталарининг ва девонининг еттинчи ялпи мажлисга тайёргарлик қўриш бўйича ишлари мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

Барча муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати еттинчи ялпи мажлисининг очирилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси 2016 йил 12 октябрь кuni эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2016 йил 11 октябрь кuni соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсидида рўйхатга олинади.

■ Сайлов билан боғлиқ ҳар бир жараёни кенг жамоатчиликка етказишда очиқлик, ошкоралик ҳамда ҳолисликни таъминлаш асосий вазифалардан ҳисобланади.

ОЧИҚЛИК, ОШКОРАЛИК ВА ҲОЛИСЛИК сайлов жараёнларини ёритишда бош мезон бўлади

Сайловлар умумэтироф этилган демократик тамойилларга мувофиқ очиқ ва ошкора ўтишида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Шунингдек, улар долзарб сиёсий жараёнда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга катта таъсир кўрсатади. Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови бўйича сайлов кампанияси қизгин давом этмоқда. Хўш, мазкур жараёнлардан мамлакатимиз аҳолиси, дунё жамоатчилигини яқиндан хабардор қилиш, бу борада оммавий ахборот воситалари вакиллари қулай шароит яратиш борасида қандай чора-тадбирлар кўриломоқда?

Ушбу мавзу юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Низомиддин НУРМАТОВга айрим саволлар билан муурожаат қилдик.

— Миллий қонунчилигимизда сайлов жараёнларини ёритишда ошкоралик масаласи алоҳида эътиборга олинган, — деди Н. Нурматов. — Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови тўғрисида»ги қонунда сайлов жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш бўйича аниқ нормалар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари зиммасига юклатилган бўлиб, улар ўз фаолиятини очиқ ва ошкора амалга оширади. Албатта, бунда ОАВнинг эркин фаолият юритиши, тезкор ва ҳолислик ахборот етказиши долзарб аҳамиятга эга.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил этилган. У ерда юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун сайлов жараёнига бағишланган брифинглар, матбуот анжуманлари мунтазам ташкил қилинмоқда. Матбуот марказининг асосий вазифаларидан бири мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари билан сайловга тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича тегишли расмий маълумотлар, зарур материаллар билан таъминлашдир. Бу ерда ОАВ вакилла-

рининг профессионал фаолияти учун барча зарур шарт-шароит мавжуд, интернет ҳамда алоқа воситаларидан фойдаланиш имкониятлари яратилган.

Округ сайлов комиссиялари қўшида ҳам матбуот марказлари ташкил этилган. Яъни, ҳудудларда ҳам журналистларнинг тезкор ва самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит ҳамда ахборот-коммуникация воситалари муҳайё қилинган.

Бугун жамият ҳаётининг барча жабҳаларига ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интернет фаол таътиб қилинмоқда. Айни шу нуктаи назардан, сайловчиларнинг катта қисми интернетдан кенг фойдаланадиган ёшлар ҳисобланади. Шу боис сайлов жараёнига оид барча ахборотлар Марказий сайлов комиссиясининг расмий сайти (www.elections.uz)га жойлаштирилиб, ундаги маълумотлар доимий равишда янгилаб бориламоқда. Ушбу сайт орқали фуқаролардан келиб тушаётган сайловга оид саволларга ўз вақтида жавоб қайтариломоқда.

— Президент сайловига дунё жамоатчилигининг ҳам қизиқиши юқори. Демак, сайлов билан боғлиқ тезкор ва ҳолислик ахборотлар тарқатилиши долзарб аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш масалалари ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз.

— Албатта, бу борада мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари қулай имкониятга эга. Журналистлар аккредитациядан ўтиши учун жорий йилнинг 1 декабрига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказига муурожаат қилишлари мумкин. Аккредитация учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси номига ОАВ ташкилотининг расмий бланкисидида муҳбирни аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги ариза, аккредитациядан ўтказилган журналистнинг ўлчами 3,5х4,5 см бўлган икки донга фотосурати, ОАВ ташкилотининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, электрон ОАВ учун — эфирга узатиш лицензиясининг нусхаси. Хорижий журналистлар учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси бўлиши керак.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ёритиш учун журналистларни аккредитациядан ўтказиш ишлари давом этапти. Ҳозирга қадар Марказий сайлов комиссияси томонидан 500 дан ортиқ хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари аккредитация қилинди. Сайлов комиссияларининг барча тадбирлари журналистлар иштирокида ўтказилмоқда. Мавзуга оид телекўрсатув ва радиокўрсаткичлар мунтазам эфирга узатиломоқда, сайловчиларга сайлов жараёни босқичларини тушунтирадиган роликлар намойиш этилмоқда. Сайлов кампанияси босма ва интернет-нашрларда ҳам кенг ёритилимоқда.

Сайлов комиссияларининг барча тадбирлари журналистлар иштирокида ўтказилмоқда. Мавзуга оид телекўрсатув ва радиокўрсаткичлар мунтазам эфирга узатиломоқда, сайловчиларга сайлов жараёни босқичларини тушунтирадиган роликлар намойиш этилмоқда. Сайлов кампанияси босма ва интернет-нашрларда ҳам кенг ёритилимоқда.

Сайлов комиссияларининг барча тадбирлари журналистлар иштирокида ўтказилмоқда. Мавзуга оид телекўрсатув ва радиокўрсаткичлар мунтазам эфирга узатиломоқда, сайловчиларга сайлов жараёни босқичларини тушунтирадиган роликлар намойиш этилмоқда. Сайлов кампанияси босма ва интернет-нашрларда ҳам кенг ёритилимоқда.

— Маълумки, шу йилнинг 21 сентябрь кuni Марказий сайлов комиссияси бир қатор оммавий ахборот воситалари билан икки томонлама битим имзолади. Унинг аҳамияти ҳақида тўхталсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш тўғрисида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «Uzreport» ахборот агентлиги билан Марказий сайлов комиссияси ўртасида икки томонлама битимлар имзоланди. Унинг асосий мақсади сайлов билан боғлиқ жараёнларни аниқ, ҳолислик билан сайловчиларга етказишдир.

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Президент сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ, оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнини кенг ёритади.

Битимлар сайлов тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатлари — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар ва сайлов жараёнини тартибга соладиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, бу битимлар Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва сайлов қўриқчилиги соҳасидаги олим ва экспертлар билан суҳбатлар

уюштириш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, Президент сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ижроси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайлов-олди дастурлари ҳақида жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилишга муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, улар сайлов кампанияси тўғрисида хорижий мамлакатлар давлат ва жамоат арбоблари, эксперт ва таҳлилчилар фикр-мулоҳазалари билан мамлакатимиз аҳолисини доимий равишда таништириб боради.

Битимларни амалга ошириш доирасида барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолиятини изчил ёритиб бориш, Президентликка номзодларнинг сайловолди дастурлари қоидаларини, шунингдек, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожланишининг муҳим масалаларига тааллуқли мустақил нуктаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда (тенг ҳажмда эфир вақти ва нашр майдони ажратиш йўли билан) кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор берилди.

Хулоса сифатида айтиш керакки, Президент сайлови жамият ва фуқаролар ҳаётида долзарб аҳамият касб этади. Шу боис сайлов билан боғлиқ ҳар бир жараёни кенг жамоатчиликка етказишда очиқлик, ошкоралик ҳамда ҳолисликни таъминлаш асосий вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун Марказий сайлов комиссияси томонидан барча имкониятлар яратишга алоҳида эътибор берилди.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Нурали ОРИПОВ
суҳбатлашди.

■ ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИДА имкониятлардан самарали фойдаланиш талаб этилади

Нукус шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесидаги партия фракцияси аъзолари, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, фаоллар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ва ОАВ вакиллари иштирок этди. Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловида партияимизнинг фаол ва муносиб иштирокини таъминлаш, бу борада Қорақалпоғистон Республика ташкилоти олдига турган вазифалар муҳокама этилди.

Дастлаб Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов сайловга тайёргарлик жараёнидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Сайлов — демократик давлатдаги энг муҳим сиёсий жараёнлардан бири ҳисобланади. Ўтказилаётган ҳар бир сайлов жамият ҳаётининг эртасини белгилаб беришда беқиёс ўрин тутди. Чунки эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини демократик сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сайловлар жараёнида хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфияти аққол намоён бўлади.

Мазкур сиёсий жараёнда партияимизнинг фаол иштирокини таъминлаш, сайловга пухта тайёргарлик қўриш борасидаги муҳим вазифаларни белгилаб олишимиз зарур,

— деди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Аму-дарё туман кенгаши раиси Махсуд Саъдуллаев. — Барча партия тузилмаларимиз сайловчиларда дахлдорлик ҳиссини шакллантириш ишларига алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Пленумда кун тартибдаги масалалар юзасидан «Қарақалпоқстан ҳауазы» газетаси бош муҳаррири Шарапатдин Аянов, Тўрткўл туман кенгаши раиси Ойбек Худайбергенов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Х қурултойига Қорақалпоғистон Республика партия ташкилотидан делегатлар сайланди.

Билдирилган тақлиф ва тавсияларни инобатга олган ҳолда, муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, ташкилий масала ҳам қўриб чиқилди. Бе-руний туман кенгаши раиси вазифасида ишлаб келган Халилла Ешимбеков Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши раислигига сайланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги пленуми бошланғичдан олдин бир гуруҳ фаолларнинг суҳбати устидан қилдик. Партияимиз аъзолари ўз ҳудудларида сайловга тайёргарлик ишлари қандай кетаётгани ва фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш борасида нималарга эътибор қаратиш лозимлиги хусусида фикр алмашишарди. Бу масалалар



Фотурх АЛИЕВ олган сурат.

пленумда ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

— Президент сайловининг муҳим босқичларидан бўлган имзо йиғиш ишлари якунига етди. Бу жараёнда партияимиздан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлашга қақариш, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий билиминини юксалтириш ишлари ҳам жадал олиб борилади, — деди пленумни очар экан **ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Хайдар Бобоқонов**.

Мамлакатимиздаги ислохотлар юртдошларимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти, фарнларимизнинг порлоқ келажиги учун амалга оширилиши мумкин. Ана шуларни инобатга олган ҳолда, аҳоли орасида тарғибот ишларини кучайтириш, Президент сайловининг аҳамиятини тушунтириш, ҳамюртларимизни фаолликка қақаришимиз лозим. Бу ишларда барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда

депутатлик бирлашмалари ўзаро ҳамкорликда, ҳамфикрликда фаолият юритиши зарур. Президент сайловига тайёргарлик ишларини қонунчилик меъёрлари бўйича олиб бориш барчамиздан катта масъулият талаб этади.

— Албатта, сайловга тайёргарлик юзасидан олдимизда қўллаб-вазифалар турибди. Тошкент шаҳар ҳамда туман кенгашларимизда сайловолди штаблари тузилган. Депутатлар, партия ташкилотлари томонидан илгари сурилган ташаббуслар, амалга оширилган ишлар ҳақида электротарқаллиқларни доимий хабардор этиб боришимиз лозим, — деди **халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, ЎЗХДП гуруҳи аъзоси Ниғора Эшметова**.

Бундан ташқари, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Президентини

сайлови тўғрисида»ги қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тушунтириш долзарб масала ҳисобланади. Маълумки, ҳар бир фуқаро сайлаш, сайланиш ҳуқуқига эга ва бу ҳуқуқ сайловчиларнинг хоҳиш-иродасига кўра, эркин амалга оширилади. Бунинг учун жамиятда фуқаролик масъулияти, сиёсий фаоллик ошиши талаб этилади. Пойтахтимизда ташкил этилган 713 сайлов участкасига кузатувчилар тайинлашга ҳам алоҳида эътибор билан ёндашишимиз зарур. Ўйлайманки, сайловолди тадбирларини партияимиз фаоллари билан ҳамкорликда юқори савияда ўтказамиз.

— Барча сиёсий партиялар сайловга қизгин тайёргарлик кўрапти. Бу борада партияимиз катта тажрибага эга, — деди

ЎЗХДП Олмасор туман кенгаши раиси Камолддин Ақромов. — Фидойи, жонқур, эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор қозонган фаолларимиз кўп. Биз уларнинг салоҳияти ва имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш чораларини қўришимиз керак. Тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтиришимизда бу муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман. Сиёсий партиянинг нуфузини оширишдаги асосий воситалардан бири, шубҳасиз, унинг бошланғич ташкилотлари ҳисобланади. Шунинг учун аҳоли билан доимий мулоқот олиб бориш, сайлов кампанияси даврида тадбирларнинг сони ҳамда сифатини ошириш, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни янада изчил йўлга қўйишимиз лозим.

Шунингдек, пленумда «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари етакчилари ҳам Президент сайловига тайёргарлик жараёнлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Ёшлар ва хотин-қизларнинг жалб қилган ҳолда туркум семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиш ҳақида сўз юритилди. Сайловда биринчи марта иштирок этадиган йигит-қизларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифа экани таъкидланди.

Пленум қатнашчиларининг тақлифлари асосида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги Қурултойига 7 нафар делегат сайланди.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбирлари.

МУНОСАБАТ

■ 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб, режадан ташқари текширишлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинмоқда.

ЭРКИНЛИК ВА ИМКОНИЯТЛАР

одамлар манфаати ҳимояси ҳамда тараққиётга хизмат қилади

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилди.



Аҳоли бандлигини таъминлаш ва халқимиз даромадларининг ўсиб боришида, хусусий тадбиркорликнинг ўрни нисбатда салмоқлидир. Аини вақтда банд аҳолининг қарийб 78 фоизи шу соҳада меҳнат қилмоқда.

ҳам қатъият билан чеклаш амалга оширилган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг эркин фаолияти учун кенг имконият яратиш, уларнинг манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасида янги сифат босқичини бошлаб беради, десак муболага бўлмайди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз арашасуудан ҳимоя қилувчи ишончли ҳуқуқий кафолатларни таъминлашга қаратилган мулкка аниқ бозор меҳанизмлари ва нормаларининг ўрнатилиши фармоннинг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

Хусусан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб, режадан ташқари текширишлар,

шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинмоқда.

Фармонда асосий эътибор тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган маъмурий ва жиноят қонунчилигини янада эркинлаштиришга қаратилмоқда. Хусусан, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлан ва тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошириш сингари биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларини улар томонидан етказилган зарарни қоплаган ва ҳуқуқбу-

зилиши оқибатларини белгиланган муддатларда ихтиёрий бартараф этган тақдирда жавобгарликнинг барча турларидан озод қилиш тартиби белгиланмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидеги жиноий жазо қўлланилмайди. Мазкур жазо чорасининг қўлланилиши оқибатида қонунбузарликка йўл қўйган шахслар, одатда, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи ёки уни давом эттириш имкониятидан, энг ёмони, оиласининг эҳтимол ягона даромад манбаидан маҳрум бўлар эдилар.

Таъкидлаш жоизки, Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» ҳисоботида кура, Ўзбекистон, авваламбор, суд ишлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини изчил татбиқ этилиши тўғрисида ҳужжатларда тижорат ишлари билан боғлиқ баҳс-мунозараларни ҳал этишда энг кам вақт сарфлайдиган давлат сифатида дунёда тўртинчи ўринни эгаллайди. Чунончи, биргина жорий йилнинг тўққиз ойида 4 мингдан ортиқ суд мажлислари видеоконференция тарзида ўтказилган бўлиб, унинг натижасида ҳужжат юритувчи субъектларнинг 2 миллиардга яқин маблағи тежалди.

Ҳужжат судлари фаолиятини суд мажлисларига аудио ва видео қайд этиш механизмларининг жорий этилиши ва қабул қилинган суд қарорларининг Интернет тармоғидаги веб-сайтта жойлаштирилиши суд жараёнларида шаффофлик ва ҳолисликнинг ошишига, уларнинг янада такомиллашувига хизмат қилади.

Фармон қоидаларини амалда рўйбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича 42 аниқ чора-тадбир амалга оширилиши н назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Мазкур Комплекс чора-тадбирлар доирасида божхона ишини такомиллаштириш, солиқ маъмуричилиги сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш, республиканинг экспорт салоҳияти ўсишини, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этишни ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таъши бозорда рақобатбардорлигини оширишни рағбатлантирадиган валютани тартибга солиш ва валюталар курси сиёсатига илғор бозор механизмларини жорий этиш бўйича аниқ тақлифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Шундай қилиб, мазкур фармон мамлакатимиз танлаган йўлнинг бардавомлиги ва изчиллигини таъминлаш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишининг асосий омиллиги ҳисобланган тадбиркорлик фаолияти ривожига тўсқ бўладиган барча сунъий гов ва расмийлаштирилган батамом бартараф этишга, иш ўринларини кўпайтиришга, аҳоли турмушини янада фаровонлаштиришга хизмат қилади.

Хуришд ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги
Хусусий мулк ва
тадбиркорликни жадал
ривожлантириш масалалари
бўйича бошқарма бош
мутахассиси.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

ТРАМП ВА КЛИНТОН дебати

АҚШ президентлиги учун сайловда асосий номзодлар бўлиш демократ Хиллари Клинтон ҳамда республикачи Дональд Трамп Миссури штатининг Сент-Луис шаҳрида иккинчи теледебатни ўтказишди. Бу ҳақда aif.ru сайти хабар бермоқда.



Қайд этиш керакки, 26 сентябрь кунги ilk дебатни Трамп ва Клинтон бир-бирининг қўлини дўстона сиқиш билан бошлашганди.

Бу сафарги дебат Трампнинг можаролар гирдобиди қолиш манзарасида рўй берди. 7 октябрь кунги унинг 11 йил олдин аёлларни ҳақоратлаб айтган сўзлари ёзилган аудио эълон қилинди. Шундан сўнг, бир қатор республикачи сиёсатчилар ундан номзодини қайтариб олишни сўрашди.

Трамп нутқини 11 йил аввал аёллар шаънига айтган номақбул сўзлари учун кечирим сўрашди.

— Бу эркаклар хонасидаги суҳбат эди. Бу ишдан фарланмайман. Бунинг учун рафиқам, Америка халқидан уэр сўрайман, — деди Трамп.

«МЭТЬЮ»

ДОВУЛИ

қурбонлари сони
1000 кишига етди



Гаитида «Мэтью» довули қурбонларининг сони 1000 кишига етди, деб хабар бермоқда Reuters ахборот агентлиги.

«Мэтью» Атлантика океанида 2007 йилдан бери юз берган энг кучли довул бўлди. Аини вақтда довул АҚШ соҳилларига келиб урилди. Табиий офат сабабли АҚШнинг Флорида ҳамда Жоржия, Жанубий ва Шимолий Каролина штатларининг соҳилбўйи ҳудудларида фавқулодда вазият эълон қилинди.

ҚОНУН

бекор қилинди

ХХР ҳукумати тахминан VII асрдан буён амалда бўлган туз нархнинг давлат томонидан назорат қилиниши тўғрисидаги қонундан воз кечиш ҳақида қарор қабул қилди.



РИА «Новости» ахборот агентлигининг хабарига қараганда, муқаддам ХХР Давлат Кенгаши «Мамлакат туз саноатининг таркибини ислохотлари лойиҳасини эълон қилиб, унда туз ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бозорга мустақил кириб боришига имкон яратиш, улгуржи савдо мезонларини белгилаш заруратини билдирганди.

Хозирда Хитойда туз ишлаб чиқариш билан шугулланувчи 300 та корхона ҳамда 4 мингдан ортиқ туз дистрибуторлари фаолият кўрсатмоқда.

ЯГОНА ПОРТАЛДА

«Ўзтрансгаз»нинг янги хизмати ишга туширилди

Ягона порталда «Ўзтрансгаз» АКнинг «Газ таъминотини вақтинча тўхтатиб туриш ёки қайта тиклаш учун электрон ариза тақдим этиш» хизмати ишга тушди. Хизмат Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудуди бўйлаб барча жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилади.

Хизматдан фойдаланиш учун электрон кўринишдаги аризани тўлдириб, ҳеч қандай тўлов амалга оширилмасдан жўнатиш лозим. Хизмат бепул. Ариза рўйхатга олинган кундан бошлаб, 5 иш кунини ичида туз (шаҳар) табиий газ таъминоти муассасаси мутахассиси аризадан қўрсатилган манзилга газ таъминотини тўхтатиб туриш ёки қайта тиклаш амалга ошириш учун ташир буюради.

«Ўзтрансгаз» АК янги хизматидан фойдаланиш учун табиий газ таъминотини қайта тиклаш учун келган мутахассисига аризачининг фойдаланилган табиий газ учун қарзи йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (квитанция, чеклар ва бошқалар) бўлиши керак.

ТАХЛИЛ

ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯКУНЛАРИ ТАХЛИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2016 йил 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда амалга оширилган ишлар натижалари ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг 9 ойида Комплекс бўйича жами 4,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 127,6 фоизни ташкил этди. Аҳолига 2,9 триллион сўмлик (122,7 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди.

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 247,3 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 115,5 фоизга, экспорт прогнози

кўрсаткичлари ҳам олтига бирдан бажарилишига эришилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурининг 9 ой давомидаги ижроси атрофича муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўлмалли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокчили таъминлаш, юксак маънавиятлик, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, жойларда уюлмаган ёшларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини мунтазам ўрганиб борган ҳолда уларни фойдали меҳнатга жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Мажлисда маданият ва санъат соҳасини янада кенг ривожлантириш, бу масалани комплекс тарзда ҳал

этиш, инсонларни, айниқса, ёшларни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, ёшлар онгига Ватанга муҳаббат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш, музейлар воситасида халқимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларини ва ҳозирги ҳаётини, мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини ёритиб берадиган асарлар яратишда ижод аҳлига, ижодий жамоаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ёшларни театр ва музейларга кенгрок жалб қилиш, ёшлар талабига жавоб берадиган асарлар яратиш, эстрада йўналишини тартибга солиш, бундай яратилаётган қўшиқларнинг бадиий-ғоявий савиясини ошириш, музейлар, театрлар ва кино-театрларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, ёшларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўзаро мулоқотлари учун қулай, ишончли маълумотларга бой бўлган маҳаллий ижтимоий тармоқлар яратиш каби масалалар батафсил муҳокама қилинди.

Комплекс йиғилишида ахборот-коммуникация технологияларини изчил ривожлантириш, давлат ва ҳўжа-лик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини

янада кенг жорий этиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифаларнинг бориши, ходимларнинг компьютер саводхонлиги бўйича билим даражасини ошириш натижалари каби масалалар таҳлил қилинди.

Интерактив давлат хизматларини кўрсатиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли учун бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш, уларни ахборот билан таъминлаш тизимини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган ишлар атрофича муҳокама қилинди.

Йиғилишда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан таҳлилий мақолаларни, кўрсатув ва эшиттиришларни босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида, хорижий давлатларда кенг тарғиб қилиш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни янада кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда 2016 йил учун белгиланган устувор вазифалар ижросини тўла амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА

СПОРТ



РАНГ-БАРАНГ
ЯНГИЛИКЛАР

Эстония ва
Финляндия
ишбилармонлари

«Ангрен» МИЗга
ташриф буюрди

Эстония ва Финляндия ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистон Республикасига ишчи ташириги доирасида «Ангрен» МИЗга ташириф буюрди. Бу ҳақда «Ангрен» МИЗ матбуот хизмати хабар берди.

Ташириф давомида «Ангрен» МИЗ дирекциясида учрашув бўлиб ўтди. Унда махсус индустриал зона имкониятлари, муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш учун давлат томонидан яратилган шароитлар намойиш этилди.

Ишбилармон доиралар вакиллари томонидан Ўзбекистонда инфратузилма ва саноатни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларга юқори баҳо берилди ҳамда Ўзбекистон ва Эстония корхоналари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, меҳмонлар Халқаро логистика маркази ва «Ангрен қувур заводи» унитар корхонасининг фаолияти билан танишди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ ЎРТАСИДА

чартер парвозлари
очилади

Келаси йил Ўзбекистон ва Япония орасида бир қатор чартер парвозлари очилади, деб хабар қилмоқда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси.

Хабарда айтилишига кўра, ўтган йили «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва Япония орасида бир неча чартер парвозлари амалга оширилган ва улар Япония ҳамда Ўзбекистон компаниялари учун муваффақиятли бўлган.

— Ўзбекистон сайёҳлик компаниялари яқинда Токиода бўлиб ўтган JATA — 2016 туристик ярмаркасида иштирок этиди. Ярмарка давомида бир қатор келишувлар, жумладан, 2017 йилги чартерлар дастури ҳақидаги шартномалар имзоланди. Энди Япониянинг Токио ва бошқа шаҳарларини Ўзбекистоннинг машҳур тарихий дурдоналари билан боғлашни режалаштирганмиз, — деди «Ўзбектуризм» вакили.

ҲАМЮРТИМИЗ САНЖАР РАҲМОНОВ

профессионал боксдаги
олтинчи ғалабасини қўлга
киритди

АҚШ номидан рингга чиқиб келатган Жонатан Динонга қарши жанг қилган ўзбекистонлик боксчи Санжар Раҳмонов профессионал боксдаги олтинчи ғалабасини қўлга киритди. Бу ҳақда «Олимпспорт» веб-сайти маълумот берди.

Флойд Мейвезерга тегишли бўлган промоутерлик компанияси номидан жанг қилаётган Санжар Раҳмонов рақибини очколар бўйича мағлуб этди. У шу кунга қадар етти жанг ўтказган бўлиб, уларнинг олтинчасида рақибларидан устун келган. Уч жангини нокаут билан яқунлаган.

Санжар Раҳмонов сўнгги бор 17 сентябрь кунни америкалик Маркус Хоуторнга қарши рингга чиқиб, Лас-Вегасда бўлиб ўтган жангда зафар қутқанди.

■ Гулноза Матниёзова (70 кг) қизларимиз орасида биринчи бўлиб халқаро турнирнинг олтин медалини қўлга киритди.

УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА БИРИНЧИ

Пойтахтимизда дзюдо бўйича ўтган Гран-при туркумидаги халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси олтин олтин, учта кумуш ва ўн битта бронза медалига сазовор бўлди

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, мамлакатимиз дзюдо федерацияси, Халқаро дзюдо федерацияси (IJF), қатор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда тўртинчи бор ўтказилган Гран-при туркумидаги халқаро турнир яқунланди.

Мусобақанинг дастлабки кунинда ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида етти медални қўлга киритганини хабар қилгандик. Беллашувларнинг навбатдаги кунлари ҳам юртимиз дзюдочилари учун муваффақиятли кечди.

Дастурга кўра, иккинчи кун баҳсларида эркалар 73 кг, 81 кг, аёллар 57 кг, 70 кг вазн тоифаларида баҳсга киришди.

Мухлислар вазни 73 килограммга бўлган дзюдочилар ўртасидаги финал учрашувини катта ҳаяжон ва қизиқиш билан кузатдилар. Унда ҳамюртларимиз Мирзохид Фармонов ва Ёлғажон Бобоев ўзаро куч синаяпти. Яқунда омад тажрибали полвонимиз Мирзохид Фармоновга қулиб боқди. Айна ушбу вазн тоифасида яна бир умидли дзюдочимиз Мусо Собиров эса шохсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди.

Ёшлар ўртасида Осиё чемпиони Давлат Бобонов (81 кг) катталар ўртасидаги илк халқаро турнирини ғалаба билан бошлади. У финалгача бўлган барча учрашувларда рақибларини мағлубиятга уратди. Ҳал қилувчи беллашувда дзюдо ватани вакили Ватанабе Хаятани енгиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Аёллар ўртасида Рио-де-Жанейро олимпиадаси қатнашчиси Гулноза Матниёзова (70 кг) финалда словениялик Анка Погачникка рўбарў келди. Учрашувнинг асосий дақиқаларида кучлар тенг келган бўлса-да, қўшимча бўлимда моҳир спортчимиз рақибни устидан соф ғалабани қўлга киритди. Бунинг учун 53 сония кифоя қилди ва Гулноза қизларимиз орасида биринчи бўлиб турнирнинг олтин медалини қўлга киритди.

Яна бир дзюдочимиз Санобар Султонова (57 кг) бронза медални билан тақдирланди.

Беллашувларнинг охириги кунинда яна беш (78 кг, +78 кг, 90 кг, 100 кг ва +100 кг) вазн тоифасидаги дзюдочилар баҳслари ўтказилди.

Бунгача халқаро мусобақаларда 81 килограмм вазн тоифасида юртимиз шарфини ҳимоя қилган Яхё Имомов (90 кг) учун Тошкент турнири ўзига хос синов вазифасини ўтаб берди. У янги вазн тоифасида ҳам барча учрашувларни муваффақиятли яқунлаб, мутакассилар ишончини оқлади. Яхё финалда яна бир ҳамюртимиз Давронбек Сатторов билан беллашди ва бош совринга муносиб эканлигини намойиш этди. Мазкур вазн тоифасида яна бир ёш ва умидли



Ў.А. СУРАТ

Ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида энг кўп — йигирмата медални қўлга киритиб, биринчи ўринни эгаллади.

дзюдочимиз Муҳаммадқарим Хуррамов эса шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

— Янги вазн тоифасида илк маротаба ўз имкония-

тимни синовдан ўтказдим, — дейди Яхё Имомов. — Мусобақада бирорта учрашув осон кечгани йўқ, 90 килограмм вазн тоифасида ҳам сара полвонлар майдонга тушди. Шунга қарамай, олтин медал олдим. Бу ютуқ мени янада кўпроқ ўз устимда ишлашга ундаши тубҳасиз, албатта. Мақсадим — келажакда шу вазн тоифасида Осиё ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинлари медалларини қўлга киритишдир.

Рио-де-Жанейро олимпиадаси иштирокчиси Сойиб Курбонов (100 кг) ҳал қилувчи учрашувда озарбайжонлик Жалил Шукуровни енгган бўлса; Эркин Дониёров мусобақанинг бронза медал билан кифояланди.

Турнирнинг оғир вазн тоифасидаги полвонлари беллашувларида ҳам

ҳамюртларимиз совриндорлар қаторидан ўрин олди. Жумладан, унда Болтабой Болтаев (+100 кг) кўксини бронза медал билан тақдирланди.

Аёллар ўртасидаги сўнгги кун баҳсларида ҳамюртларимиздан Кумуш Йўлдошева (78 кг) ҳамда Раҳима Йўлдошева (+78 кг)лар шохсупанинг учинчи поғонасига кўтарилишди.

Шундай қилиб, кетма-кет тўртинчи бор мамлакатимиз мезбонлик қилган Гран-при туркумидаги йирик халқаро турнир поёнига етди. Унда ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида энг кўп — йигирмата медални қўлга киритиб, биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлардан эса Қозоғистон ҳамда Россия терма жамоалари жой олишди.

Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Курашчиларимиз совриндорлар сафида

Қозоғистоннинг Семей шаҳрида юнон-рум кураши бўйича Болат Турлихонов хотирасига бағишланган халқаро турнир яқунланди.

Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Арам Варданян (66 кг), Муҳаммадали Шамсиддинов (85 кг) ва Мўмин Абдуллаев (130 кг)лар бронза медал билан тақдирланди.

«Челленжер» халқаро турнирида

Кеча пойтахтимиздаги Республика олимпия заҳиралари теннис мактабида анъанавий «Челленжер» халқаро турнири бошланди. Умумий мукофот жамғармаси 125000 АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур нуфузли мусобақада жаҳоннинг йигирмадан зиёд давлати ракетчилари ғолиблик учун қорғат чиқишмоқда.

Бу йилги турнирда чехиялик Иржи Весели, франциялик Жереми Шарди, литвалик Рикардас Беранкис, россиялик Евгений Донской каби танқили теннисчиларнинг қатнашети мусобақа нуфузи тобора ортиб бораётганлигининг тасдиғидир.

Қуръага кўра, дастлабки босқичда юртимизнинг биринчи ракеткаси Денис Истомин франциялик Глеб Сахаровга қарши қорғат тушади.

Жаҳон чемпионати совриндори

Шу кунларда Польшанинг Валбжих шаҳрида эркин кураш бўйича фахрийлар ўртасида жаҳон чемпионати давом этмоқда.

Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциация матбуот хизмати билдиришича, мусобақанинг 51-55 ёшли иштирокчилари ўртасида ҳамюртимиз Абдулжалил Абдурахмонов (58 кг) бронза медалига сазовор бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, бу фахрий полвонимиз 2012 йили Венгрияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам бронза медалини қўлга киритган эди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ, ЎзДЖТУ магистри.

РЕКЛАМА



ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ПРЕДПРИЯТИЙ, ФИРМ И ОРГАНИЗАЦИЙ!

ГУП «TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

объявляет открытые тендерные торги

по закупке Рентгенотелевизионной системы безопасности для досмотра ручной клади и багажа (интроскоп) в количестве 7 ед. для нужд а/п «Ташкент».

- 1. Заказчик** — ГУП «Toshkent Xalqaro Aeroporti», 100167, г.Ташкент, Узбекистан, ул. Кумарик, 13.
- 2. Форма торгов** — открытый тендер.
- 3. Предмет тендера** — выбор Компании-Поставщика по поставке Рентгенотелевизионной системы безопасности для досмотра ручной клади и багажа (интроскоп) в количестве 7 ед. для нужд а/п «Ташкент».
- 4. Условия поставки** — СІР — Аэропорт «Ташкент» согласно «INCOTERMS-2010».
- 5. Валюта платежа** — доллар США.
- 6. Условия платежа** — 30% предоплата в течение 20-25 дней со дня вступления контракта в силу, окончательная оплата — 70% в течение 15-20 дней по факту поставки товара и оформления груза на импорт 40 (свободное обращение).
- 7. Максимальная цена** — составляет 335 000 (триста тридцать пять тысяч) долларов США.
- 8. Производитель оборудования** — европейские страны.
- 9. Тендерные требования к поставщику:** в тендере могут принять участие как иностранные фирмы и организации, так и отечественные производители (поставщики), выполняющие предъявляемые условия для

участия в нем, имеющие опыт поставки соответствующих объемов и характера закупаемой продукции. Победитель тендера должен обеспечить сохранение цены тендерного предложения со дня объявления его победителем и действовать в течение всего срока действия контракта до полного его завершения. К участию в тендере не допускаются организации и фирмы, находящиеся в стадии реорганизации, ликвидации или банкротства, не представившие в установленный срок все необходимые документы, не надлежаще исполнявшие принятые обязательства по ранее заключенным договорам, учрежденные менее двух лет до объявления тендера, находящиеся в состоянии судебного или арбитражного разбирательства с заказчиками, не отвечающие требованиям тендерной комиссии по коммерческим и финансовым показателям.

10. Желающих принять участие в тендерных торгах просим направлять свою заявку на e-mail: omts.tas@uzairways.com или по факсу: (+99871) 255-46-59.

Заявки на тендерные торги принимаются по адресу:

Узбекистан, 100167, г.Ташкент, ул. Кумарик, 13.
Комиссии по тендерным торгам
Тел./факс: (+99871) 255-46-59

Заявка должна быть оформлена на фирменном бланке организации, заверена подписью руководителя и печатью, иметь исходящий номер и дату. В заявке указать информацию об организации, с какого периода учреждена компания и референт поставок специализированного оборудования по безопасности.

11. Технические характеристики оборудования высылаются бесплатно после рассмотрения заявки от поставщика на участие в тендере, отменяющего запрашиваемые требования к поставщику (п. 9; п.10) в течение двух дней.

12. Стоимость тендерной документации и величина задатка. Стоимость тендерной документации составляет 300 (триста) долларов США, сумма задатка составляет 3000 (три тысячи) долларов США. Задаток и оплата за тендерную документацию вносятся в долларах США отдельным платежным поручением на субсчет ГУП «Toshkent Xalqaro Aeroporti», который предоставляется после рассмотрения заявки от поставщика в течение двух дней. Ответственные поставщики оплачивают стоимость тендерной документации и вносят задаток в национальной валюте «сум» по курсу Центрального банка Республики Узбекистан. После объявления победителя в тендерных торгах задаток, внесенный за участие в тендерных

торгах, будет возвращен за вычетом издержек на проведение банковских операций. Победителю тендера задаток будет возвращен после заключения контракта на поставку оборудования.

13. Инstrukция участнику тендерных торгов высылаются после получения официальной заявки и копии платежного поручения о внесении оплаты за тендерную документацию (п.12) в течение двух дней.

14. Тендерное предложение будет приниматься только при наличии в конверте №1 платежного поручения о внесении задатка (п.12) за участие в тендерных торгах.

15. Сроки проведения тендерных торгов. Тендерные торги будут проводиться с 07.10.2016 г. по 16.11.2016 г. Прием тендерных предложений завершится 07.11.2016 года в 17.00 по местному времени. Указанные сроки в зависимости от обстоятельств могут быть скорректированы тендерной комиссией ГУП «Toshkent Xalqaro Aeroporti».

Дополнительную информацию для участников тендерных торгов можно получить по телефонам: (+99871) 255-46-59, (+99898) 363-22-53, контактное лицо — Гостенин Геннадий Геннадьевич, инженер снабжения ГУП «Toshkent Xalqaro Aeroporti».

Услуги лицензированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV
Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda to'xtatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonamiz: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059
8773
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:25
Toshirilgan vaqti — 23:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5 6